O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
ZANGIOTA TUMANLARAKO
IQTISODIY SUDI

Ўзбекистон Республикаси
Тошкент вилояти Зангиота туманлараро
иқтисодий суди

Адрес: 111801, Тел: 0370 975-21-83

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ЗАНГИАТИНСКИЙ
МЕЖРАЙОННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД

Узбекистан, Ташкентская область, Зангиатинский район,
поселок "Зангиата" ул. Ипакчибаева 5а
Индекс 111801, Тел: 0370 975-21-84

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Зангиота тумани | 2018 йил 04 июнь | 4-1101-1802/2323-сонли иш

Зангиота туманлараро иқтисодий суди судьяси Н.Я.Курбанова раислигида ва суд ёрдамчиси У.Х.Мирзагатова котиблигида даъвогар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги жавобгар «Бахтиёр супер диск» МЧЖга Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензиянинг амал қилишининг тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини тарафларнинг, аризачи вакили Ў.Сатторов 2017 йил 23 августдаги ишончномасига асосан иштирокидаги очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Зангиота туманлараро иқтисодий суди судьяси ҳузурига келиб, жавобгар «Бахтиёр супер диск» МЧЖга аудиовизуал асарлар ва фонограммаларни сотиш фаолият турини амалга оширишга берилган амал қилиш муддати 2018 йил 28 февралдан 2019 йил 28 февралгача бўлган ІМ 000566-сон лицензиясининг амал қилишини тугатиш ва **«Бахтиёр супер диск» МЧЖ зиммасига 10 кунлик муддат мобайнида лицензияни** Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига қайтариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Аризачи вакили даъво аризасидаги важларни тўлиқ қўллаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар «Бахтиёр супер диск» МЧЖ суд мажлиси куни ва вақти тўғрисида хабардор бўлишига қарамасдан суд мажлисига келмади ва келмаслиги ҳақида судни огоҳлантирмади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддасига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтириш ва кўрсатмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни ҳамда суд харажатларини жавобгардан ундиришни лозим топди:

"Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 23-моддасига мувофиқ, лицензиат лицензия битимида кайд этилган лицензия талаб ва шартларини кўпол равишда бузган холатларда лицензиянинг амал килиш муддати тугатилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INTELLEKTUAL MULK
AGENTLIGI
№ 1491
Sana 18 JUN 2018

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 ноябрдаги 363-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун дастурларни тиклаш, реализация килиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлашга лицензиялар беради, шунингдек лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириши белгиланган.

«Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конунининг 23-моддасига асосан лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини муттазам равишда ёки бир маротаба кўпол равишда бузганда, лицензияни бекор килишга асос бўлиши кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 мартдаги 72-сонли қарори билан тасдикланган "Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги" Низомнинг 10-банди биринчи қисми, иккинчи ва учинчи хатбошисига асосан лицензиатнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳақидаги конун ҳужжатлари талабларига мажбурий тарзда риоя килиши, зўравонлик, порнография, мамлакат ҳавфсизлиги ва ижтимоий енгёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни бузишни, Ўзбекистон тўғрисида ахборотлар тарқатилишини ҳамда унинг тарихий маданий ва маънавий бойликлари бузиб кўрсатилишини тарғиб килиш учун аудиовизуал асарлар фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш фонограммаларни тайёрлашга йўл қўймаслик юзасидан лицензиатнинг мажбуриятлари.

Шунингдек, ушбу низомнинг 12-банди лицензиатнинг аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни сотишга бўлган ҳуқукни тасдикловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши лозимли белгиланганлигига асосланган холда 2018 йил 25 март куни Янгийўл туман DVD CD лазер дисклариини савдоси юзасидан ўрганиш тадбири ўтказилган ҳамда ўрганиш натижасида Янгийўл шаҳар Вокзал олди кўчасидаги "Буюм бозори" орка дарвозаси ёнида «Бахтиёр супер диск» МЧЖ раҳбари Далабаев Бахтиёр Баходирович томонидан DVD ва CD лазер дисклариини сотиш ҳолати аниқланган. Агентликга тақдим этилган 10-дона DVD ва CD лазер дисклар контрафакт ва шу билан бирга зўравонликни намоён этувчи, ёшлар онгига салбий таъсир холатларини тасдиклаб далолатнома тузилган.

Мазкур юкорида таъкидлаб ўтилганларга асосан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал килувчи ҳамда ваҳшийликни тарғиб килувчи кўринишда эканлиги аниқланган. Бу мулк агентлиги томонидан «Бахтиёр супер диск» МЧЖга аудиовизуал асарлар ва фонограммаларни сотиш фаолият турини амалга ошириш учун берилган амал килиш муддати 2018 йил 28 февралдан 2019 йил 28 февралгача бўлган ІМ 000566-сон

лицензиянинг амал килишини тугатишни хамда «Бахтиёр супер диск» МЧЖ зиммасига 10 кунлик муддат мобайнида лицензияни Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига кайтариш мажбурияти юклатишни сўраб Зангиота туманлараро иктисодий судига мурожаат килган.

Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 25 майдаги 71-II сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Конунининг 23-моддасида лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба кўпол равишда бузганда лицензиянинг амал килиши тугатилиши белгиланган.

Бундай холатда аризачининг талаблари асосли бўлиб, у каноатлантирилиши ва суд харажатлари жавобгар зиммасига юкланиши лозим.

Юкоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини хукукий химоя килиш тизимини ошада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармонига хамда Ўзбекистон Республикаси Иктисодий процессуал кодексининг 118,176-179-моддаларига асосланиб, суд

КАРОР КИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг даъво талаби каноатлантирилсин.

«Бахтиёр супер диск» МЧЖга аудиовизуал асарлар ва фонограммаларни сотиш фаолият турини амалга ошириш учун берилган, амал килиш муддати 2018 йил 28 февраллан 2019 йил 28 февралгача булган IM 000566-сон лицензиянинг амал килишини тугатилсин.

Жавобгар «Бахтиёр супер диск» МЧЖ хал килув карорини олган кундан этиборан 10 кунлик муддат мобайнида амалдаги лицензияни лицензияловчи орган Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига топшириш мажбурияти юклатилсин.

Жавобгар «Бахтиёр супер диск» МЧЖдан Судларни моддий жихатидан таъминловчи Тошкент вилоят департамент хисобига 20.000 сум почта харажати ундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги зиммасига лицензиянинг амал килишини тугатиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беришни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Мазкур хал килув карори устидан бир ой муддат ичида Тошкент вилоят иктисодий судига апелляция шикояти бериш мумкин.

Судья И.Я.Курбанова